

## КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ХОЛИСЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР

**Жўраев Фарҳоджон Махмуджон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Жинойят-процессуал ҳуқуқ кафедрасининг ўқитувчиси

E-mail: farhodjurayev272@gmail.com

Тел: +998977560292

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569196>

**Аннотация:** Мақолада жиноий-процессуал муносабатларда процессуал чиқимлар тушунчаси, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, процессуал чиқимларни қоплаш бўйича хориж тажрибаси ҳамда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда холисликни таъминлашга оид муаммолар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** кодекс, процесс иштирокчилари, процессуал чиқим, сарф-ҳаражат, қоплаш, сумма, давлат бюджети, холислик, терговга қадар текширув, кўздан кечириш.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексига (кейинги ўринларда ЖПК) мувофиқ процессуал муносабатлар иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлиниб, улар қуйидагилардан иборат: Биринчи гуруҳ жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар; иккинчи гуруҳ жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари; учинчи гуруҳ жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар; тўртинчи гуруҳ жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар. Баъзида ушбу шахсларнинг процессуал ҳаракатларда иштироки маълум бир ҳаражатлар эвазига таъминланади.

ЖПКнинг 75-моддасида жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга уларнинг сарф-ҳаражатларини тўлаш мажбурияти эътироф этилган. Бундан ташқари, ЖПКнинг 212, 288, 304, 380, 381<sup>12</sup>, 457, 471, 572-моддаларида процессуал чиқимлар институти билан боғлиқ масалалар баён қилинган. Умуман олганда, Жиноят-процессуал кодексдаги деярли барча институтларнинг амал қилиш жараёнида процессуал чиқимлар билан боғлиқ муносабатларга дуч келинади [1, Б.48].

Шу ўринда процессуал чиқимлар ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтиш лозим.

**Процессуал чиқимлар** – қонун ҳужжатларининг вазифаларига мувофиқ юзага келадиган ҳамда жиноят ишини юритишга маъсул бўлган мансабдор шахсларнинг процессуал фаолияти самарадорлигини оширадиган, жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларга давлат ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, далиллар билан ишлаш бўйича процессуал ҳаракатларнинг моддий шартӣ бўлиб хизмат қиладиган, шуниндек, давлат бюджети, айрим ҳолларда процесс иштирокчилари ҳисобидан қопланадиган сарф-ҳаражатлардир.

Юридик манбаларда процессуал чиқимлар тушунчасига бир қатор таърифлар берилган бўлиб, жумладан, А.Х.Раҳмонқуловнинг фикрича, процессуал чиқимлар – жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек ашъвий далилларни сақлаш ва жўнатиш кабилар учун тўланадиган пул суммалари бўлиб, улар давлат томонидан тўланади [2, Б.384].

Процессуал чиқимлар мавзусида тадқиқот олиб борган К. Н. Емельянов ва С. В. Бажанов процессуал чиқимларнинг хусусиятлари ва қопланиш манбаларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишган [3]. Хусусан, К. Н. Емельяновнинг фикрича, процессуал чиқимлар – жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жиноят ишларини юритувчи шахслар (суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва судлар) ҳамда бошқа иштирокчилар томонидан жиноят қонуни билан жазолаш назарда тутилган жиноий қилмишларни аниқлаш ва текшириш жараёнида юзага келиб, жиноят содир этишда айбдор шахс ва бошқа ҳуқуқ субъектларидан, айрим ҳолларда эса давлат бюджетидан қопланадиган харажатлардир [4, Б.188]. Ушбу таърифда харажатларни қоплаш масаласи бошқа иштирокчилар зиммасига ҳам юклатилиши мумкинлиги, шунингдек, жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар билан боғлиқ харажатлар ҳам процессуал чиқимлар сифатида баҳоланиши назарда тутилган. Шу сабабли ҳам унинг фикрига қўшилиш мумкин.

ЖПКнинг 318-моддасида қандай харажатлар процессуал чиқимлар эканлиги қайд этилган бўлиб, унга кўра, жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммалар процессуал чиқим эканлиги ҳамда ушбу суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Бугунги кунда ушбу нормадаги барча чиқимларнинг қоплашини амалда жиноят иши қўзғатилган ҳоллардагина амалга оширилиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Қонунчиликда ҳеч қандай ҳуқуқий асос бўлмаганлиги сабабли ҳам терговга қадар текширув вақтида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ харажатларни жиноят ишини юритиш билан боғлиқ процессуал чиқимларга киритиб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида процесс иштирокчилари қилган харажатлар ёки бўлмаса терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилган процессуал ҳаракатлар натижасида юзаган келган харажатлар тўлиқ ёки умуман қопланмай қолишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида процесс иштирокчиларининг олис манзилдан келиб-кетганлиги ёки доимий иш вақтидан ажралиб одатдаги машғулотларидан чалғиганлиги учун сарф-харажатларни тўлаб бериш билан боғлиқ муаммоларни олдиндан билган ҳолда процессуал ҳаракатларда иштирок этишдан бош тортиш ҳолатлар кўплаб учрамоқда.

Бундан ташқари айрим ҳолларда жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни қонуний ҳал этилишини таъминлаш мақсадида процесс иштирокчиларининг олис манзилдан келиб-кетганлиги ёки доимий иш вақтидан ажралиб одатдаги машғулотларидан чалғиганлиги учун қилинган сарф-харажатларни тегишли мансабдор шахсларнинг шахсий ҳисобидан қопланаётганлиги ҳам сир эмас. Бундай ҳолатлар мансабдор шахсларнинг жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни қонуний ҳал қилишлари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишларида қийинчиликлар вужудга келаётганлигига сабаб бўлишидан ташқари, айрим ҳолларда процессуал ҳаракатларнинг холисона олиб

борилганлигига шабҳа туғилишига ва холислик институтини тўлиқ таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, куннинг тунги вақтларида ёки аҳоли яшаш ҳудудидан узоқ масофада бўлган тоғли ҳудудларда содир этилган жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ва бошқа терговга қадар текширув ишларини амалга оширишда холислар иштироки мансабдор шахсларнинг шахсий ҳисобидан тўловлар амалга оширилиши билан таъминланмоқда. Бу эса, холислик институти тамойилларига зид ҳисобланади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 136-моддасида терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 73-модда холислар деб номланиб, унга кўра холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилиши, ҳамда тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, процессуал чиқимлар билан бўғлиқ юқоридаги каби муаммолар юзасидан хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ўрганилганда, Россия Федерацияси ЖПКнинг 131-моддаси [5], Қозоғистон Республикасининг 177-моддаси [6], Қирғизистон Республикасининг 143-моддаси [7], Украина Республикасининг 122-моддаси [8], Беларусь Республикасининг 162-моддаларида [9] иш жойига эга бўлган ёки доимий иш ҳақи оладиган гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари, холислик жиноят ишини юритувчи орган томонидан жиноят ишини юритишга жалб қилинган бутун вақти учун иш ҳақининг иш жойида тўлаб берилмаган қисми процессуал чиқимлар ҳисобланишини назарда тутувчи нормалар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчиликлардаги айрим бўшлиқларни тўлдириш, тегишли органларнинг мансабдор шахслари томонидан процессуал ҳаракатларни сифатли ва тўлиқ амалга оширишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш мақсадида ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– процессуал чиқимлар тушунчасига аниқ таъриф ишлаб чиқилиб уни қонунан мустаҳкамлаш;

– процессуал чиқимлар давлат ёки процесс иштирокчилари маблағлари ҳисобидан қопланадиган ҳаражатлар эканлигини белгиловчи нормани ЖПКга киритиш;

– Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 318-моддасига терговга қадар текширув пайтида ҳам процессуал чиқимларни қопланишини белгиловчи қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

– айрим ҳолларда кўздан кечириш холислар иштирокисиз амалга оширишга рухсат бериш. Хусусан, истисно ҳолларда, яъни: олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларда, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолларда, тунгги вақтда ёки кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар юзага келиганда ва шахсларни холис сифатида жалб қилишнинг имкони бўлмаганда кўздан кечириш холислар

иштирокисиз, видеоёзувга қайд этиш техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини қонун билан мустақамлаш лозим.

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифлар жинойи процессуал муносабатларда холислик билан боғлик муаммоларни бартараф этишга, шунингдек, процессуал чиқимлар институтини тўлиқ, холисона ва адолатли ишлашени таъминлашга хизмат қилади.

## References:

1. Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш: Дисс. / А.А. Султонов. – Т.: 2020. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Ж. Камалходжаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004. – 384 б.
3. К.Н.Емельянов. Процессуальные издержки в Российском уголовном судопроизводстве: Дис. ... канд. юрид.наук / К.Н.Емельянов - Тюмень, 2009. – 188 с.; Бажанов С.В. Стоимость уголовного процесса. Дис... д-ра юрид. наук. Нижний Новгород, 2002. С. - 300.
4. К.Н.Емельянов. Процессуальные издержки в Российском уголовном судопроизводстве: Дис. ... канд. юрид.наук / К.Н.Емельянов - Тюмень, 2009. – 188 с.
5. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 №174-ФЗ (ред.от. 21.11.2022) <http://consultant.ru>
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года №231-V/ <http://online.zakon.kz>
7. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28.10.2021 года № 129 / <http://cbd.minjust.gov.kg>
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Украины от 13.04.2012 года № 4651-VI / <https://continent-online.com>
9. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16.07.1999 года № 295-З <https://etalonline.by/document/?regnum=hk9900295>